



**“ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИНИ
ИННОВАЦИОН ВА РАҚАМЛИ
ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА
РИВОЖЛАНТИРИШ МУАММОЛАРИ”**

халқаро илмий-амалий анжуман

**МАТЕРИАЛЛАРИ ТЎПЛАМИ
(III-қисм)**

(2021 йил 19-20 феврал)

Самқанд - 2021

(III-қисм)

“ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИНИ ИННОВАЦИОН ВА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА
РИВОЖЛАНТИРИШ МУАММОЛАРИ” халқаро илмий-амалий анжуман МАТЕРИАЛЛАРИ ТЎПЛАМИ

**“ПРОБЛЕМЫ РАЗВИТИЯ СФЕРЫ УСЛУГ В
УСЛОВИЯХ ИННОВАЦИОННОЙ И ЦИФРОВОЙ
ЭКОНОМИКИ”**

СБОРНИК МАТЕРИАЛОВ

международной научно-практической конференции

(часть 3)

(19-20 февраля 2021 г.)

ТАМБОВ – 2021

2

Хизмат кўрсатиш соҳасини инновацион ва рақамли иқтисодиёт шароитида ривожлантириш муаммолари. / Халқаро илмий-амалий конференцияси материаллари (III қисм). 2021 йил 19-20 февраль кунлари. Самарқанд, САМИСИ, 2021. – 256 бет.

Тупловчи ва нашрга тайёрловчи:

М.Қ.Пардаев – иқтисод фанлари доктори, профессор

Нашр учун масъуллар:

М.М.Мухаммедов – иқтисод фанлари доктори, профессор,

Ж.Р.Зайналов – иқтисод фанлари доктори, профессор,

И.С.Тухлиев – иқтисод фанлари доктори, профессор,

Н.А.Ибрагимов – иқтисод фанлари доктори, профессор,

К.Б.Уразов – иқтисод фанлари доктори, профессор,

Т.С.Шарипов – иқтисод фанлари номзоди, доцент,

А.Н.Хеликулов – иқтисод фанлари номзоди, доцент

Саҳифаловчи: Хилола Очилова

Анъанавий илмий-амалий конференция материалларида Хизмат кўрсатиш соҳасини инновацион ва рақамли иқтисодиёт шароитида ривожлантириш муаммолари ва уларнинг ечимлари, соҳанинг алоҳида тармоқлари самардорлигини ошириш истиқболларига оид масалалар ёритилган. Унда инновацион ва рақамли иқтисодиётнинг назарий ва методологик муаммолари ва уларни ҳал қилишнинг стратегик йўналишлари, аҳоли бандлиги, фаровонлиги, яшаш сифати ва турмуш даражасини ошириш масалалари, туризм соҳаси самардорлигини ошириш механизмлари, ривожлантириш тенденциялари ва истиқболлари, хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш ва самардорлигини оширишда менежмент, маркетинг ҳамда инвестицияларнинг ўрни, молжавий муносабатлар, бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил, аудит ва статистика фанларини такомиллаштириш масалалари, шунингдек, хизмат кўрсатиш соҳаси самардорлигини оширишда рақобатбардош кадрларни тайёрлашни такомиллаштириш муаммоларини ҳал қилишга қаратилган илмий-назарий ва амалий таъсияларга бой маҳола ва тезислар ўрин олган.

Олий ва ўрта махсус ўқув юртлири профессор-ўқитувчилари, талабалари, магистрлар, таъич докторантлар, докторантурада таҳсил олувчилар, мустақил изланувчилар ва соҳа мутахассисларига мўлжалланган.

Мақолалар муаллифлар таҳририда босилмоқда. Уларда келтирилган рақамлар, фактлар, ҳулоса ва таъсияларга муаллифлар масъул. Уларнинг айрим фикрлари ташкилий гуруҳ қарашларига тўғри келмаслиги мумкин.

© Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти, 2021

К.Б.Дилмуров – Бухоро давлат университети катта ўқитувчиси

ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИДА ҲИЗОТИ ҲИЗОТИ БАНДИ ҚИЛИШНИНГ АҲОЛИ ЯШАШ СИФАТИ ВА ТУРМУШИ ДАРАЖАСИГА ТАЪСИРИ

Аннотация: Ушбу мақола хизмат кўрсатиш соҳасида ҲИЗОТИ ҲИЗОТИ БАНДИ қилишнинг аҳоли яшаш сифати ва турмуш даражасига таъсирига бағишланган. Мақолада кишиларнинг ҲИЗОТИ ҲИЗОТИ БАНДИ қилган шахслар санолиши, уларга имтиёзлар берилганлиги, ҲИЗОТИ ҲИЗОТИ БАНДИ қилиш таърибасининг бандликни таъминлашга ҳисса қўлиши назарда тутилган.

Калип сўзлар: бандлик, аҳоли яшаш сифати, турмуш даражаси, ҲИЗОТИ ҲИЗОТИ БАНДИ қилиш.

Аннотация: В статье рассматривается влияние самозанятости в сфере услуг на качество жизни и уровень жизни населения. В статье говорится, что люди считаются самозанятыми, им предоставляются льготы и что практика самозанятости способствует занятости.

Ключевые слова: занятость, качество жизни, уровень жизни, самозанятость.

Abstract: The article examines the impact of self-employment in the service sector on the quality of life and the standard of living of the population. The article states that people are considered self-employed, they are given benefits, and that the practice of self-employment promotes employment.

Keywords: employment, quality of life, standard of living, self-employment.


Бугун жаҳонда тобора чуқурлашиб бораётган коронавирус пандемияси окцидентда кўпга мамлакатларда ишсизлик даражаси кескин ошиб, ижтимоий-иқтисодий муаммолар борган сари жиддий тус олмоқда. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти 2020 йил COVID-19 пандемияси бошланганлигини хабар бериши билан, у тезда исми кўрилмаган глобал иқтисодий ва меҳнат бозори инкирозини юзага келтирди, бу иш билан бандликда катта йўқотишларга олиб келди. Вирус бутун дунёга тарқалиши билан унинг иқтисодийта салбий таъсири ҳам паралел равишда ошди. Бунинг натижасида йирик корхоналар, ташкилотлар ва хаттоки мавсумий иш жойлари ёпилиши билан, бир неча hafta ёки ойлар давомида даромадларининг тўлиқ ёки бир қисми йўқотилди. Ушбу ҳолатларнинг қўлами дунё бўйлаб иш вақтининг 12,1 фоиз йўқотилиши яъни, 345 миллион доимий иш жойига тенг эканлиги тахмин қилинмоқда. Халқаро Меҳнат Ташкилотининг маълумотларига кўра 2019 йилнинг тўртинчи чорагига нисбатан 2020 йил учинчи чорагига глобал меҳнат даромадлари 10,7 фоизга паса-йиши оқибатида 3,5 трлн АКШ долларига тенг маблагнинг йўқотилишига олиб келди. Айниқса, иқтисодий тармоқларида банд бўлган 76 фоиз норасмий ишчиларнинг яъни, 1,6 миллиарди жабр кўришига олиб келди¹.

Дарҳақиқат, республикамиздаги ижтимоий-иқтисодий хусусиятдан келиб чиқиб аҳолининг иш билан бандлиги масаласи доимо ўз

¹ World Health Organization (WHO) Coronavirus Disease (COVID-19) Dashboard, <https://covid19.who.int/>

дотариблигини йўқотмайди ва у хар доим давлат раҳбариятининг диққат марказидадир. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентини Ш.М. Мирзиёевнинг 2017 йил 7 февралда тасдиқлаган ПФ-4947-сонли Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Харакатлар стратегияси тўғрисидаги фармони қабул қилинди. Маъмур фармон доирасида ишлаб чиқилган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Харакатлар стратегияси келгуси беш йилликда ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқий-сиёсий прақтиқетимизни белгилаб берадиган ҳужжат ҳисобланади. Унинг ижтимоий соҳани ривожлантиришнинг устувор йўналишлари² деб номланган 4-қисми 4.1 бандида яқин беш йилда аҳолини иш билан бандлиги ва реал даромадларини изчиқ ошириш, бунинг учун эса: "... янги иш ўринларини яратиш ҳамда аҳолининг, энг аввало, ўрта махсус ва олий таълим муассасалари битирувчилари бандлигини таъминлаш, меҳнат бозори муаносиблиги ва инфратузилмаси ривожланишини таъминлаш, меҳнат бозори ширилиши муҳим ҳисобланган устувор йўналиш сифатида белгиланган меҳнат ва тадбиркорлик фаоллигини тўлиқ амалга ошириш учун шириқлар яратиш, ишчи кучи сифатини яхшилаш, ишга муқтож кишиларни касбга тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малақасини ошириш таъминини кенгайтириш" каби вазифаларни ҳал этиш кўзда тутилади.

Меҳнат бозорида иш билан банд аҳоли (миңг киши)



■ Иқтисодий фаол аҳоли ■ Шулдан: иш билан таъминланган

1-расм. Ўзбекистон Республикасининг меҳнат бозорида иш билан банд аҳоли²

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Харакатлар стратегияси тўғрисидаги ПФ-4947-сонли фармони. Ўзбекистон Республикаси қонуни ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон

³ Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси.

Юртдошларимиз орасида бирор корхона, идора ёки ташкилотда Узига кулай иш тополмаслиги нагжасида меҳнат шартномаси, доимий иш ҳақига эга бўлмаган, бироқ турли мавсумий меҳнат билан бўлган ёки оиласида томорка билан шуғулланиб, даромад топадиганлар кўпчилигини ташкил этади. Аммо шу кунга қадар уларнинг фаолияти ҳеч қаерда қайд этилмади. Бу эса пенсия ёшига етганда нафақа тайинлаш учун талаб қилинадиган меҳнат стажини йўқлиги муаммосини келтириб чиқаради.

Айни ҳолат 2020 йилги Давлат дастурида ҳам алоҳида қайд этилиб, Ўзини ўзи банд қилган фуқароларга қатор енгилликлар яратиш лозимлиги белгиланди. Хўш, қимлар Ўзини ўзи банд қилган шахслар саналади? Уларга қандай имтиёзлар берилган? Бу тажриба ҳақиқатда бандликни таъминлашга хисса қўшаётими?

Айниқса, сўнги вақтларда «Ўзини ўзи банд қилиш» атамаси тез-тез тўлга олинмоқда. Хўш, аслида улар ким? Ўзини-ўзи банд қилган фуқаролар — меҳнат даромади олишга йўналтирилган жисмоний ва юридик шахсларга хизматлар кўрсатиш, ишларни бажариш бўйича шахсий меҳнати билан иштирок этишга асосланган фаолиятни мустақил амалга оширадиган, яқна тартибдаги тадбиркор сифатида рўйхатга олинмаган ва ўз фаолиятида ёлланма ходимлар меҳнатидан фойдаланмайдиган жисмоний шахслар меҳнат стажини ҳисобга олиш ва рағбатлантирувчи имтиёزلардан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлган фуқаролар ҳисобланади.

Умуман олганда, бугунгача ҳам халқимиз бундай фаолият турлари билан шуғулланиб келган. Хунармандчилик, устачилик, заргарилик, новвойлик, дурадгорлик, саргаронлик каби касб эгалари шулар жумласидан. Энди эса бундай фаолиятга ҳуқуқий баҳо берилди. Хусусан, Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 9 июлдаги «Ўзини ўзи банд қилган фуқаролар учун вақтинчалик меҳнат гувоҳномасини жорий этиш тўғрисида»ги қарори билан «Ўзини ўзи банд қилган фуқароларга вақтинчалик меҳнат гувоҳномасини бериш тартиби тўғрисида»ги Низом тасдиқланди.

Низомга мувофиқ, 2019 йил 1 сентябрдан бундай шахсларга вақтинчалик меҳнат гувоҳномалари берилди. Меҳнат гувоҳномаси ариза берувчининг хоҳишига қўра, 1 ойдан 12 ойгача муддатга, меҳнат органлари томонидан фуқароларнинг доимий яшаш жойидан қатъи назар берилади. Гувоҳномада кўрсатилган давр пенсияни ҳисоблаб чиқариш учун фуқароларнинг меҳнат стажига киритилади. Шунингдек, ўзини ўзи банд қилган фуқароларга банклардан Бандликка қўмақлашши жамғармалари ҳисобига имтиёзли микрокредитлар ажратилади. Энг ахамиятлиси, ўзини ўзи банд қилаётган, қўлда касб-хунари бор одамларга муносиб шароит яратиш мақсадида улар даромад солиғидан озод қилинган.

Хулоса қилиб айтганда, мамлакат аҳолисининг иш билан таъминланганлиги кишилар даромадларини ташкил қилишда асосий омил ҳисобланади. Айниқса, мамлакатимизда 2020-йилнинг январь-декабр ойларида аҳолининг умумий даромадлари ҳажмини сезиларли даражада ўсиши асосан умумий даромадлар таркибиде 69,3% улушга эга бўлган

меҳнат фаолиятидан олинган даромадлар (ёлланма ишчиларнинг даромадлари ва мустақил равишда банд бўлишдан олинган даромадлар) ва 23,5% ни ташкил этувчи трансфертлардан олинган даромадларнинг саноатлари Ўзбекистон ҳисобига юзага келган. Меҳнат фаолиятидан олинган даромадларнинг номинал ўсиш суръати 2019-йилнинг мос даврига нисбатан 115,1% ни ташкил этди ҳамда аҳоли умумий даромадларининг номинал ҳажмининг 10,5% га ўсишини таъминлади. Меҳнат фаолиятидан олинган даромадлар ёлланма ишчиларнинг даромадлари ҳамда мустақил равишда банд бўлишдан олинган даромадлардан ташкил топади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Харажатлар стратегияси тўғрисидаги ПФ-4947-сонли фармони. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон.
2. World Health Organization (WHO) Coronavirus Disease (COVID-19) Dashboard, <https://covid19.who.int/>
3. Елисеєва Т.А. Молодой специалист на рынке труда науч.-практ. конф. Кемерово, 18-21 октября 2005г. - Кемерово, 2005. -С. 27 - 29.
4. Мяленко В.И. Востребованность и профессиональная адаптация выпускника на рынке труда региона / В. И. Мяленко, Т. А. Елисеєва // Вестник РАЕН (ЗСО). - 2005. - № 8.

М.Б. Каланова— СамИИСИ стажёр-тадқиқотчиси

УМУМИЙ ОВҚАТЛАНИШ КОРХОНАЛАРИДА КЎРСАТИЛАДИГАН ХИЗМАТЛАР СИФАТИ

Аниқтатиш. Ушбу мақолада рестороанларда овқатлантириш сифати ва қамрадорлигини ошириш мақсадида қилинадиган ишлар ҳақида ёритилган. Бугунги пандемия шароитида гигиена талабларига ривож қилиш қанчалик долзарблиги ҳақида маълумотлар келтирилган.

Қалит сўзлар: умумий овқатланиш корхонаси, рестороан, хизмат кўрсатиш, мижаз, официант, идиш-товоқ, анжом.

Аниқтатиш. В этой статье рассматривается о проделанной работе по повышению качества и эффективности организации питания в ресторанах. Предоставляется информация о безопасности соблюдения гигиенических требований в сегодняшней pandemic среде.

Ключевые слова: организация общественного питания, рестороан, услуга обслуживания, клиент, официант, посуда, инвентар.

Abstract. In this article describes the work done to improve the quality and efficiency of catering in restaurants. Provides information on the urgency of hygiene compliance in today's pandemic environment.

Keywords: catering, restaurant, service, customer, waiter, dishes, utensils.

Мамлакатда яшаётган фуқаролар учун ҳам туристлар учун ҳам овқатланиш инсоннинг кундалик ҳаётидан ажралмас жараён ҳисобланади.

І ШҮББА. "ИННОВАЦИОН ВА РАКАМЛИ ИҚТИСОДИЁТНИНГ НАЗАРИЙ ВА МЕТОДОЛОГИК МУАММОЛАРИ ВА УЛАРНИ ХАЛ ҚИЛИШНИНГ СТРАТЕГИК ЙЎНАЛИШЛАРИ"		
Bozorov B.B., Boymurodov J.K.	Raqamli iqtisodiyot sharoitida agrar sohani rivojlantirish	4
Улугмуродова Н.Б. Болтаев Ш.С. Султонов Ф.Р.	Рақамли иқтисодиёт шароитида агрор соҳа ролини ошириш	7
Xudoyberdiyev S.I.	Firmalarning ishlab chiqarish faoliyatini optimallashtirish modeli	11
II ШҮББА. "ИННОВАЦИОН ВА РАКАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА АХОЛИ БАНДЛИГИ, ФАРОВОНЛИГИ, ЯШАШ СИФАТИ ВА ТУРМУШ ДАРАЖАСИНИ ОШИРИШ МАСАЛАЛАРИ"		
Уразов К.Б. Орзукулова З.А.	Транспорт-логистика хизматларининг моҳияти, аҳамияти ва уларни ресурбликамизда ривожлантириш заруратлари	15
Досчанов Т., Чўпонов С.О.	Дастурлаш хизматлари савдосини ривожлантиришнинг аҳоли бандлиги, фаровонлиги, яшаш сифати ва турмуш даражасини оширишдаги аҳамияти	19
Bozorov B.U. Vaxiddinov R.B.	Aholi bandligi va turmush darajasini oshirishning nazariy asoslari	22
Буранов О.Б., Абдусаматов Ш.Б.	Некоторые особенности управления предприятием в процессе строительства	25
Bozorov B.U., Aminov J.B.	Innovatsion va raqamli iqtisodiyot sharoitida aholi ish bilan bandligini ta'minlash yo'llari	28
Маматкулова Ш.Ж. Рахматуллаев Э.	Аҳоли бандлигини таъминлашда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ўрни	31
Абдусаматов Б.К.	Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришда инновацион жараёнларнинг роли	34
Шолдаров Д.А., Нурмухамедова Г.Ш.	Рақамли иқтисодиётга ўтишда инсон омили фаровонлигини ошириш йўллари	38
Шукуров И.Х., Абдурайимов У.А., Базаров З.М.	Умумий овқатланиш корхоналари фаолияти таҳлили	41
Пардаев О.М.	Аҳолини ичимлик суви билан таъминлашни таъминлаштиришнинг концептуал йўналишлари	44
Дилмонов Қ.Б.	Хизмат кўрсатиш соҳасида ўзини ўзи банд қилишнинг аҳоли яшаш сифати ва турмуш даражасига таъсири	48

Давлат томонидан меҳнат бозори, шу жумладан кишлоқ меҳнат бозорини тартибга солиш тажрибасини таҳлил этиш бу қуйидагиларни назарда тутишни кўрсатди:

- давлат томонидан иш кучига талаб, унинг тақлифи, баҳоси, миқдор ва сифат кўрсаткичлари, шу жумладан ҳаракатчанлигига аниқ мақсадга қаратилган таъсир чораларини амалга ошириш;
- иш бериувчиларга имтиёزلар бериш, солиқ, молия-кредит ва инвестиция сиёсати орқали янги иш жойлари яратиш ва самарали амал этгаётган мавжуд иш жойларини сақлаб қолишни ҳар тарафлама қўллаб-қувватлаш;
- иш билан бандликнинг мукобил шаклларини ривожлантириш ва аҳолининг ўзини мустақил иш билан таъминлашни дастаклаш;
- тургун ишсизлик даражасини пасайтириш ва ишсиз фуқароларни ижтимоий ҳимоя қилиш учун иқтисодий шарт-шароитлар яратиш.

Кишлоқ аҳолисини иш билан таъминлаш даражасини ошириш учун кўрилаётган бу чораларга қарамадан мазкур тармоқда ҳали жиддий муаммолар мавжуд. Аграр соҳа ўз хусусиятлари-кишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг мавсумийлиги, сертармоқчилиги, табиий омилларнинг таъсири, қўл меҳнати салмоқининг юқорилиги ва ҳоказолар билан меҳнат ресурсларида фойдаланишга жиддий таъсир кўрсатади. Айни пайтда тармоқда меҳнат унумдорлиги пастлиги, капиталнинг табиий тузилмаси оқинда эмаслиги учун кишлоқ хўжалиги иш кучининг йирик истеъмолчиси ҳисобланади.

Кишлоқ аҳолиси ўртасида иш билан банд бўлмаганлар даражаси шаҳардагига нисбатан юқори бўлишига қарамай, хўжалик ишлари авжига чиққан баҳорги экин-тикин, ҳосилни йиғиштириш олишда иш кучи тақчиллиги, айниқса сезилади. Бу эса ўз навбатида, кишлоқ меҳнат бозорига иш кучига талаб ва тақлифи мутаносиблаштириш, аҳолининг иш билан бандлиги бўйича ҳудудий дастурларни ишлаб чиқиш асосида тартибга солиш учун таъсирчан чораларни кўриш зарурлигини билдиради.

Кишлоқ жойларида аҳолини иш билан бандлиги даражасини ошириш учун, қуйидаги чора-тадбирлар кўрилиши мақсадга мувофиқдир:

- кишлоқ меҳнат бозорига ҳақиқий ҳолатни вилоят ва туманлари кесимида аниқ таҳлилини олиб бориш, аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича ҳудудларни имкониятидан келиб чиқиб дастурларини ишлаб чиқиш ва уларнинг бажарилишини мувофиқлаштириш. Бунда ҳар бир тумanning ички имкониятлари, миллий урф-одагилари, табиий-географик жойлашуви инobatта олинади. Бу эса тезроқ бозор ҳолатига ва меҳнат мослашувчанликни таъминлайди, ортиқча вақт ҳамда сарф харажатларни талаб этмайди;
- кишлоқ жойларида иш билан бандликнинг ўз-ўзини банд қилиш, эгилувчан шаклларини (тўликсиз иш кўни, хафталик, касаначилик, уй меҳнати, хунармачилик, оилавий тадбиркорлик) кенгайтириш. Ушбу шаклдаги иш ўринларини ташкил этишга кам харажат қилиб юқори натижага эришилади;

➤ кишлоқларда тадбиркорлик ҳисобидан янги иш жойлари яратишни (молиявий, солиқ имтиёزلари бериш, фойсиз кредитлар, қўшимча ер майдонлари, фойдаланилмаётган қувватларни ижарага бериш ва бошқа усуллар) қўллаб-қувватлаш.